КЎКДА САЙЁРА КЎП, ЕРДА МАМЛАКАТ,
ЎЗБЕКИСТОН АЗИЗ ҚАЛБИМГА ФАҚАТ!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 28 август, сешанба № 133-134 (1148)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


# БУНЁДКОРЛИК - САЛОҲИЯТИМИЗ РАМЗИ

***Азиз ватанимизнинг гўзал пойтахти Тошкент истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида миллий ва замонавий меъморлик анъаналари уйғунлашган бир-биридан муҳташам бино ва иншоотларга бой кўркам шаҳарлардан бирига айланди. Шаҳарнинг мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий ҳаётидаги мавқеи, аҳамияти тобора юксалиб боряпти.***

***Шаҳарсозларимиз Мустақилликнинг ўн йиллиги байрамига пойтахтимиз кўркига янада кўрк, шукуҳига шукуҳ қўшадиган янгидан-янги маъмурий иншоотлар, турар-жой бинолари, касб-ҳунар коллежлари, кўприклар, йўллар, боғ ва хиёбонларни туҳфа этмоқдалар.***

***Байрам арафасида Йўлбошчимизнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишуви яхши анъана бўлиб қолган.***

***25 август куни Президент Ислом Каримов пойтахтимизнинг кичик ҳалқа йўли - шаҳар ички транспорт магистралини барпо этишда амалга оширилаётган ишларни кўздан кечириб, узунлиги қарийб 35 километр масофани қамраб оладиган Тошкент ҳалқа йўли қурилишининг дастлабки босқичида бажарилган ишларга баҳо берди.***



Мазкур қурилиш асосан Амир Темур кўчасидан Хидирали Эргашев кўчаси орқали Шимолий темир йўл вокзалигача бўлган ҳудудда амалга оширилди: қарама-қарши томонга бир йўла саккиз қатор машина ҳаракатланадиган эни 32 метрлик замонавий равон йўл бунёд этилди, шу йўналиш бўйича янги троллейбус қатнови ҳам бошланди.

Бунинг учун йўлсозлар нисбатан қисқа вақт мобайнида 7,5 километр масофадаги қурилиш ишларини аъло даражада бажариб, магистралнинг энг муҳим қисми - учта кўприкни барпо этдилар. Буюк Ипак йўли, Паркент ва Пушкин кўчаларида қад кўтарган бу иншоотлар кичик ҳалқа йўлнинг изчил давомийлигини таъминлабгина қолмай, автомобилларнинг тез, қулай ва бехатар ҳаракатланишига имкон яратади. Иккинчи томондан эса, бу - йўловчиларнинг олтиндан қиммат вақтини тежайди.

Айтиш жоизки, транспорт қатновини янада такомиллаштириш мақсадида барпо этилаётган ушбу ҳалқа йўлнинг пойтахтимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамияти беқиёсдир. Кейинги йилларда кундан-кун чирой очиб, кўркамлашиб бораётган Тошкент кўчаларида автомобиллар сони тобора кўпаймоқда. Бу, табиийки, йўлсозликда ўзига хос муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Шу боис, шаҳарни 2015 йилгача ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бош режасига биринчи навбатда Тошкент кичик автомобиль ҳалқа йўли лойиҳаси киритилгани бежиз эмас.

Бу йўл қурилиши келгусида ҳам кенг ва мустаҳкам кўприклар, улкан ер ости йўлларини барпо этишни тақозо этади. Лойиҳага кўра, ушбу магистраль жами тўққизта кўприк ва бир қанча туннел орқали ўтиб, тарнспортнинг ҳеч бир монеликсиз ҳаракатланишини таъминлайди.

Мазкур лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у келгусида пойтахтимизнинг Яккасарой, Ҳамза, Миробод, Мирзо Улуғбек, Юнусобод, Шайхонтоҳур, Собир Раҳимов ва Акмал Икромов туманларини бир-бири билан боғлайди. Қолаверса, шу ҳудуддаги йирик савдо марказлари, бозорлар, ўқув даргоҳлари, спорт иншоотлари ва бошқа муассасаларга қатнаш яхшиланади. Одамлар ортиқча йўл машаққатидан холи бўлади.

Мамлакатимиз раҳбари ушбу соҳа мутахассислари - қурувчи, меъмор ва муҳандисларни, шаҳар жамоатчилиги вакилларини суҳбатга чорлаб, йўлсозлик борасидаги ишларни янада ривожлантириш бўйича ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирар экан, келгусида азим шаҳримиз қиёфасини бундан-да обод ва гўзал қилиш, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш, маданий-маиший хизмат кўрсатишни жаҳон талаблари даражасига кўтариш асосий мақсадларимиздан бири эканини таъкидлади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай буюк бунёдкорлик ишлари, аввало, одамларимиз қалбида тинчлик, ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик ва яратувчилик руҳи мужассамлигидан, бошқача айтганда, ўз она-Ватанига, халқига меҳр-муҳаббати юксак эканлигидан далолатдир.

Шу куни Ислом Каримов пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» теннис клуби қошида қурилган сув спорти саройини бориб кўрди. Бу ерда спортнинг ана шу тури билан шуғулланиш, халқаро миқёсдаги мусобақаларни ўтказиш учун барча шароит муҳайё қилинган. Сарой бундай мусобақаларнинг иштирокчилари учун ҳам, томошабинлари учун ҳам, журналистлар учун ҳам қулай. Улкан бино ҳавосининг ҳарорати ва намлигини компютерлашган қувватли кондиционерлар мўътадиллаштириб туради.

Президентимиз азим Тошкент қиёфасига ўзгача салобат бағишлаб турган муҳташам иншоотлардан бири - Халқаро бизнес маркази биносини кўздан кечирар экан, бу ердаги барча бунёдкорлик ишлари энг замонавий меъморлик усулублари асосида бажарилгани, натижада мазкур ҳудуд «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси ва Миллий банк бинолари билан уйғунлашиб,

***(Давоми 5-бетда).***

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг* ФАРМОНИ

## ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ЮНУСОБОД ЙЎНАЛИШИНИНГ БИРИНЧИ НАВБАТИНИ БУНЁД ЭТИШДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

***Тошкент метрополитенининг навбатдаги йўналишини бунёд этишдаги фидокорона меҳнати, илғор технологик усуллардан, фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиб, туннеллар ва бекатларнинг сифатли қурилишини таъминлашга, транспорт тизимини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:***

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»**

**Испандиёров Ёқубжон Ахмадиёрович** - «Тошметроқурилиш» тресты 2-туннел отрядининг проходкачиси

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»**

**Тахиров Рустам Кабулович** - Тошкент метрополитени бош муҳандиси

**Пойтахтимизнинг транспорт тизимини ривожлантириш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг биринчи навбатини барпо этишга қўшган салмоқли ҳиссаси, миллатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги жонкуярлиги, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Вархатов Георгий Павлович** - Тошкент метрополитени бошлиғининг ўринбосари -дирекция бошлиғи

**Гафуров Кобылжон Артыкович** - «Тошметроқурилиш» тресты 2-қурилиш-монтаж бошқармаси бригада бошлиғи

**Макаров Михаил Владимирович** - «Тошметроқурилиш» тресты 1-қурилиш-монтаж бошқармаси проходкачиси

**«Дўстлик» ордени билан**

**Акбаров Турғунжон** - «Тошметроқурилиш» тресты 2-туннел отрядининг бригада бошлиғи

**Байсеитов Уралбек Арчабекович** - Тошкент метрополитени йўл ва ер ости иншоотлари хизматининг катта йўл устаси

**Канунова Александра Ивановна** - «Тошметроқурилиш» тресты «Махсусметроқурилиш» бошқармасининг сувоқчиси

**Криволапов Анатолий Михайлович**- «Тошметроқурилиш» тресты 2-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи

**«Шуҳрат» медали билан**

**Гумеров Абдулхақ Асадуллаевич** - Тошкент метрополитени электромеханика хизмати эскалатор дистанцияси бошлиғи

**Игамбердиев Абдурахмат** - «Тошметроқурилиш» тресты 2-туннел отрядининг проходкачиси

**Мазов Владимир Александрович** - Тошкент метрополитени электр таъминот хизматининг катта электромеханиги

**Нигманов Абдуруман Абдурауфович** - Тошкент метрополитени Чилонзор электродепоси бошлиғи

**Шадманов Миррустам Вахидович** - «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари

**Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан**

**Богачев Михаил Павлович** - «Тошметроқурилиш» тресты механизациялаш бошқармасининг юкловчи трактор ҳайдовчиси

**Солихўжаев Шокир Тўраевич** - «Тошметроқурилиш» тресты бошқарувчиси

**Юлдашев Аскар Кучкарович** - Тошкент метрополитени «Ўзбекистон» электродепоси машинисти

**Қудайбергенов Бабир Ахметжанович** - «8-темир бетон маҳсулотлари заводи» очиқ акциядорлик жамияти 2-цехининг қолипловчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2001 йил 27 август

## *Ўзбекистон Республикаси Президентининг* ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини ошириш, илғор фан-техника ютуқларига таянган ҳолда қишлоқ ва сув хўжалиги, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш ва ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги фидокорона меҳнати ва эришган муваффақиятлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаоллик намунасини кўрсатганлиги учун қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:**

*(Давоми 2,3,4-бетларда).*

# «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» УЧИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

***Қадрли фестиваль қатнашчилари!***
***Азиз дўстлар!***

***Мамлакатимизда учинчи бор ўтказилаётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа анжумани қатнашчилари бўлган сиз, азизларни қадимий ва навқирон Самарқанд заминида муборакбод этишдан ғоят мамнун эканимни изҳор этаман.***

***Жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири, турли маданиятлар туташган бу фусункор шаҳарда бундан тўрт йил муқаддам асос солинган «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали халқаро майдонда эътибор қозониб, нафақат Шарқ, балки Ғарб дунёсидаги кўплаб санъат намояндаларини ҳам ўзига жалб этаётгани унинг қисқа муддат ичида ажойиб анъана ва катта нуфузга эга бўлиб бораётганидан далолат беради.***

***Шу билан бирга, бу фестиваль жаҳон аҳлининг ўзаро маданий мулоқотга бўлган ҳаётий эҳтиёжини ҳар бир халқ, ҳар бир миллат руҳида азалдан яшаб келаётган яхшилик, гўзаллик ва нафосатга интилиш ҳиссини рўёбга чиқаришда беқиёс восита бўлиб хизмат қилмоқда.***

***Мусиқа санъатининг минг-минг йиллар давомида инсонлар қалбига юксак ва беғубор туйғуларни жо этиб келаётгани бу ёруғ оламни яна ҳам мунаввар қилиб кўрсатадиган илоҳий мўъжиза экани барчамизга аён.***

***Айниқса, башарият мураккаб технологиялар, глобал муаммолар, шиддаткор тараққиёт асрида яшаётган бугунги кунда руҳий эркинлик, руҳий юксаклик намунаси бўлган бу санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва қадр-қиммати бениҳоя ортиб бораётганини ҳеч ким инкор этолмайди.***

***Шу маънода, ушбу фестиваль буюк Шарқ маданиятининг гавҳару дурдоналари бўлмиш ўлмас мусиқа асарларини бутун оламга янада кенгроқ танитиш, мумтоз тароналардан барча нафосат шайдоларини баҳраманд қилиш, янги истеъдод эгаларини кашф этиш борасида ҳам катта аҳамиятга эга.***

***Миллий анъаналар ва замон руҳини ўзида мужассам этган бу санъат анжумани ер юзидаги турли халқларнинг маънавий олами, орзу-интилишлари, дарду армонларини ифода этар экан, бугунги мураккаб даврда инсонларни дўстлик ва ҳамкорликка чорловчи эзгулик минбарига айланиб бормоқда.***

***Мен дунёнинг турли қитъа ва мамлакатларидан фестивалга ташриф буюрган машҳур санъат намояндаларини нуфузли халқаро ташкилот - ЮНЕСКО, Халқаро мусиқа кенгаши вакилларини, барча меҳмонларимизни ўз номимдан, бутун халқимиз номидан яна бир бор самимий муборакбод этаман. Уларга қарата «Гўзал Ўзбекистон тупроғига, кўҳна Самарқанд заминига хуш келибсиз», дейман.***

***Бетакрор ва саховатли ўзбек диёри, унинг мафтункор табиати, айниқса, бағрикенг, меҳмондўст халқимиз билан бўладиган самимий учрашув ва мулоқотлар сизларга хуш кайфият, янги илҳом бахш этади, деб ишонаман.***

***Муҳтарам анжуман қатнашчилари!***

***Сизлар янги аср, янги мингйилликка асраб-авайлаб олиб ўтган ноёб бойлик - инсоният тафаккурининг буюк мўъжизаси бўлган Шарқ мусиқий мероси одамлар қалбида эзгулик, биродарлик, меҳр-шафқат туйғуларини камол топтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.***

***Мана шу олижаноб ва шарафли мақсад йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, ижодий ютуқлар, анжуман ишига эса муваффақият тилайман.***

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**



# ЯНГРА, МУМТОЗ ШАРҚ ТАРОНАСИ!

***Кўҳна ва навқирон Самарқанд яна байрам либосида. Шаҳарнинг муқаддас қадамжоларидан бири - Регистон майдонида ўзгача файз. Бу ерда Шарқ маданиятининг гавҳари - ўлмас мусиқа асарларини бутун оламга яна бир бор намоён этиш, мумтоз тароналардан барча нафосат шайдоларини баҳраманд қилиш, янги истеъдод эгаларини кашф этиш мақсадида ўтказилаётган анъанавий байрам - «Шарқ тароналари» III халқаро мусиқа фестивалига жаҳоннинг ўттиздан ортиқ мамлакатидан, шунингдек, Ватанимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасидан таниқли санъаткорлар, мусиқашунос олимлар, хонандаю созандалар йиғилди.***

26 август куни «Шарқ тароналари» III халқаро мусиқа фестивали тантанали равишда очилди.

Кеч соат 19.00. Неча асрларнинг сиру синоатларига гувоҳ кўҳна Регистон эртаклар оламини эслатади. Байрам либосига бурканган Самарқанднинг ана шу бош майдонида ясатилган уч ярим минг кишилик амфитеатр саҳнасига «Шарқ тароналари» III халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари - хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган хонандаю созандалар, бастакорлар таклиф этилди.

Фестивалнинг бош саҳнаси бу гал Шарқ бозорлари андозасида ясатилган. Зотан, тўкинлик ва фаровонлик рамзи бўлган Шарқ бозорининг ўзига хос нафосати ҳам бор. Шарқ бозорлари қадимдан турфа маданиятлар туташадиган маскан сифатида аждодларимиз учун беқиёс аҳамиятга эга бўлган.

***(Давоми 5-бетда).***

# БУНЁДКОРЛИК - САЛОҲИЯТИМИЗ РАМЗИ

*(Боши 1-бетда).*

улкан меъморий мажмуа кўринишини олганини таъкидлади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Халқаро бизнес марказида фаолият бошлаган Инсон имкониятларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон-Япония маркази ҳамда пойтахтимизнинг сўлим маскани -«Тошкентленд боғи» мажмуи яқинида бунёд этилган «Япон боғи»га ташриф буюрди.



Маълумки, ўзбек ва япон халқлари ўртасидаги маданий алоқалар тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бугунги кунда эса ўзаро муносабатларимиз ҳар томонлама ривожланиб, ҳамкорлигимиз теран мазмун касб этмоқда. Икки халқ дўстлиги рамзи сифатида Тошкентда япон боғининг барпо этилиши фикримиз исботидир.

Юртбошимиз кунчиқар мамлакатнинг миллий меъморлик анъаналари асосида барпо этилган мазкур боғни кўздан кечирар экан, бу ердаги ҳамма нарса мўъжизакор Японияни эслатиб туриши билан ҳам гўзал ва мафтункор эканлигини таъкидлади. Боғнинг кўл бўйида жойлашиши эса океан қўйнидаги оролчаларда юксалган ўлка -Япония табиатига ниҳоятда мосдир.

Боғдаги нафис гуллар, улкан тошлар ва улар орасидан оқаётган зилол сув мавжи шаршарани эслатади. Шаршара бўйида барпо этилган мўъжазгина япон чойхонаси эса боққа ўзгача руҳ бағишлаб турибди. Чойхонада мамлакатимиз раҳбарини япон қизлари миллий таомил бўйича чой ва ширинлик билан меҳмон қилишди.

Боғда Президент Ислом Каримов маҳаллий ва хорижий журналистларга интерью бериб, жумладан бундай деди:

- Япон фалсафаси билан қадимий ўзбек фалсафаси муштаракдир. Бу ердаги барча нарсада табиийлик ва гўзалликни кўриб, мен бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига келсак, аввалambор, бу - мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик, тотувлик ва меҳр-оқибатнинг мевасидир, деди Юртбошимиз. Халқимизга хос яратувчилик кайфияти бутун мамлакатимизни қамраб олган. Бугун барпо этилаётган ҳар бир иморат, соғломлаштириш иншооти, ўқув маскани, йўл, завод ва фабрикалар, албатта, халқимизнинг фаровонлигини оширишга, келажак авлоднинг баркамол ўсиб улғайиши учун хизмат қилади. Биргина пойтахтимиз қиёфаси қисқа вақт мобайнида қай даражада ўзгарганини кўриб турибмиз. Бундай бунёдкорлик ишлари нафақат азим Тошкентда, балки бутун мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётганига гувоҳмиз.

Президент Ислом Каримовнинг мустақиллик иншоотлари билан танишувида унга Бош вазир ўринбосарлари М.Усмонов, А. Исаев, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

**Ўктам ДЎСТЁР,**
**Мусурмон НАМОЗ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# ЯНГРА, МУМТОЗ ШАРҚ ТАРОНАСИ!

*(Боши 1-бетда).*

Бугун «Шарқ тароналари» фестивали боис тадбир иштирокчилари шу улкан ҳақиқатни яна бир бор ёдга олдилар.

Ўзбекистон давлат мадҳияси янграб, байрам шодиёналари бошланажагини маълум қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг анжуман қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табригини Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов ўқиб эшиттирди.



Жаҳон цивилизациясининг бешикларидан бири, турли маданиятлар туташган бу фусункор шаҳарда бундан тўрт йил муқаддам асос солинган «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали халқаро майдонда эътибор қозониб, нафақат Шарқ, балки Ғарб дунёсидаги кўплаб санъат намояндаларини ҳам ўзига жалб этаётгани, унинг қисқа муддат ичида ажойиб анъана ва катта нуфузга эга бўлиб бораётганидан далолат беради, дейилади Президентимиз табригида.

Шу билан бирга, фестивал жаҳон аҳлининг ўзаро маданий мулоқотга бўлган ҳаётий эҳтиёжини ҳар бир халқ, ҳар бир миллат руҳида азалдан яшаб келаётган яхшилик, гўзаллик ва нафосатга интилиш ҳиссини рўёбга чиқаришда беқиёс восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Маросимда сўзга чиққан «Шарқ тароналари» III халқаро мусиқа фестивали ҳайъатининг раиси, жанубий кореялик санъатшунос Хан Мьюнг Хи тинчлик, осойишталик барқарор юртдагина ана шундай нуфузли халқаро анжуманлар ўтказиш мумкинлигини таъкидлади. Қадимий обидаларга бой Самарқанд шаҳрида учинчи бор ўтказилаётган фестивал қадим ва бой ўзбек мусиқа санъатини жаҳонга, айни пайтда жаҳон мусиқа санъати янгиликларини Ўзбекистонга танитишда муҳим аҳамият касб этади.

«Шарқ тароналари» III халқаро мусиқа фестивали байроғи кўтарилади. Фестивал мадҳияси янграйди.

Сўнг, театрлашган томоша бошланди. Кўҳна Шарқ бозорлари таровати акс эттирилган улкан саҳнада дорбозлар, театр артистлари, фольклор жамоалари ҳамда ашула ва рақс ансамблларининг хонандаю созандалари бетакрор ва қизиқарли дастур намойиш этди. Тантана меҳмонлари ва иштирокчилар мамлакатимизнинг етук санъаткорлари ижросидаги ўзида Шарқ руҳиятини мужассам этган мумтоз куй-қўшиқлардан, замонавий оҳанглардан баҳраманд бўлди, жозибали рақслар томоша қилди. Куй қўшиққа, қўшиқ рақсга уланди. Регистон узра кўҳна Шарқнинг ҳамиша навқирон наволари парвоз этиб, нафосатга шайдо кўнгилларни хушнуд этди.



Тантанали очилиш маросими катта мушакбозлик билан якунланди.

Фестивал иштирокчилари ва меҳмонлар бир ҳафта мобайнида қадим Шарқнинг мусиқа санъати, маданияти, урф-одатлари билан танишади. Ижодий мулоқотлар, вилоят аҳли билан учрашувлар жараёнида, шубҳасиз, мамлакатимизда Юртбошимиз Ислом Каримов раҳномалигида истиқлол йилларида амалга оширилган буюк бунёдкорлик ишларининг ҳам гувоҳи бўлади.

Янги аср, янги мингйилликка асраб-авайлаб олиб ўтилган ноёб бойлик - инсоният тафаккурининг буюк мўъжизаси бўлган Шарқ мусиқий мероси кишилар қалбида эзгулик, биродарлик, меҳр-шафқат туйғуларини камол топтиришга хизмат қилади.

Фестивал давом этмоқда.

**Уйғун Рўзиев,**
**ЎзА мухбири**

## ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Жиззах шаҳрида «ЛРС-Пласт» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси иш бошлади. Германиянинг дунёга машҳур «LRS» фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур қўшма корхона бир йилда 3 минг 8OO тонна пластмасса қувур ишлаб чиқаради.

Замонавий технология билан жиҳозланган корхона қурилиши учун 2,1 миллион АҚШ доллари ҳамда 68 миллион сўм миллий валюта сарфланди.

**(ЎзА).**

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олтинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

**Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси 29 август куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 28 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва 29 август куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.*

**Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига**

*28 август куни Олий Мажлисда соат 11.00 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки ҳамда соат 14.30 да - ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари бўлади.*

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Москва Давлат университети жамоаси Сизни Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан муборакбод этади. Ўзбекистон Республикасининг юзага келиши ўзбек халқи тарихидаги ғоят муҳим воқеадир. Истиқлолнинг 10 йиллик даври мобайнида Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиёт, таълим, илм-фан ва маданиятни ривожлантириш йўлида улкан ютуқларни қўлга киритди. Бу ўзбек халқи ва Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан миллий тараққиёт концепциясини ишлаб чиқиш ва белгилаб олиш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатларнинг самарасидир. Бу концепция ўзида умумдунёвий тараққиёт тенденциялари ҳамда миллий анъаналарни мужассам этган. Амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамият ҳаётининг ўта муҳим соҳасини ривожлантиришга ижодий ёндашилганининг ёрқин далилидир.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизга - Ўзбекистон Республикаси раҳбарига самимий эҳтиром изҳор этишга ижозат бергайсиз. Сиз Москва Давлат университетининг фахрий профессорисиз. Сизнинг университетга муносабатингизни юксак қадрлаймиз. МДУ Илмий кенгашининг мажлисидаги маърузангиз бизда катта таассурот қолдирган.

Фурсатдан фойдаланиб, таълим, илм-фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлигимизни ривожлантиришдан умидимиз катта эканлигини яна бир карра таъкидламоқчиман.

Ўзбек халқига, Ўзбекистон Республикасига янгидан-янги улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Эҳтиром ила,

**В.САДОВНИЧИЙ,**
**Москва Давлат университети ректори, Россия Фанлар академияси академиги**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги билан Сизни муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Июн ойида мамлакатингизга сафаримиз чоғида, Мериленд университетининг мен раҳбари бўлган делегацияси аъзолари Ўзбекистон тараққиёт сари дадил одимлаётганига тўла ишонч ҳосил қилди. Истиқлол йилларида Ўзбекистон халқи Сизнинг раҳбарлигингизда янги демократик давлат қуриш ва мамлакатнинг халқаро майдондаги нуфузини ошириш борасида улкан ютуқларни қўлга киритди. Юртингизга сафаримиз чоғида ўтказган мулоқотларимизда бизга одамларнинг порлоқ келажакка қатъий ишончи, кўтаринки руҳи, ўзбекистонликларнинг улкан салоҳияти намоён бўлди. Бизни, айниқса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, унда ахборот технологияларини ривожлантиришга катта эътибор берилгани лол қолдирди. Биз миллий таълим тизимини ривожлантиришда Ўзбекистонга кўмак бериш шарафига муяссар бўлганимиздан мамнунмиз.

Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорлик асосига қурилган муносабатлар ривожланаётганини кузатиб бормоқдамиз ва бу бизга мамнуният бахш этмоқда. Интилишларимиз, таълим соҳаси иқтисоди ва демократияси ривожланган давлат қуриш учун тамал тоши бўлиб хизмат қилишини англашимиз, Ўзбекистонга сафар давомида таълимга оид масалалар борасида фикрларимиз бир жойдан чиққани ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш ва умумий ютуқларимизни кўпайтиришга ёрдам беришига ишонамиз. Халқингиз ва мамлакатингиз ўз олдига қўйган юксак мақсадларга етиши йўлида ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган ишларимиз билан ҳисса қўшишдан умидвормиз.

Ҳамкасбларимнинг илтимосига биноан уларнинг номидан ва шахсан ўз номимдан Сизга ва Ўзбекистон халқига фаровонлик ва зафарлар тилайман.

Самимий эҳтиром ила,

**К.МОУТ,**
**Мериленд университети президенти**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ, Г.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ АКАДЕМИЯСИ ФАХРИЙ ДОКТОРИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлаш арафасида турган шу кунларда Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси Илмий кенгаши номидан ва шахсан ўз номимдан Сизни, шунингдек, Ўзбекистон ҳукумати ва халқини Ўзбекистон Республикаси Истиқлолининг ўн йиллиги муносабати билан табриклаш ҳамда самимий тилаклар билдириш менга ғоят катта мамнуният бахш этади.

Шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон халқи ўз миллий байрамини мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида улкан ўзгаришлар ясовчи янги зафарлар билан қарши олмоқда. Халқингиз ҳуррият туфайли тараққиётнинг янги поғонасига кўтарилмоқда.

Озодлик - инсоннинг энг асосий ҳуқуқи. Башарият ўзининг кўп асрли тарихида доимо уни куйлаб келган. Озодлик даҳоси -инсониятни ҳаракатга, тараққиётга ундовчи куч.

Замонлар ва даврлар бир-бири билан инсонлар тақдири орқали боғланади. Дунёга Амир Темур, Улуғбек, Ибн Сино, Навоийдек буюк инсонларни берган мамлакат ўз номини мангуга жаҳон тарихига киритган, улуғ аждодларингиз амалга оширган улкан ишлар эса дунё фани ва маданияти хазинасидан мустаҳкам жой олган.

Сизнинг мамлакатингиз миллатга энг кўп наф келтирувчи таълим соҳасини ислоҳ этиш концепциясини ҳаётга дадил жорий этаётган, таълимнинг миллий доктринаси ва сиёсатини ишлаб чиқаётган амаллар муаллифидир. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий ютуқларини миллий таълим тизими белгилайди.

Ўзбекистон истиқлолга эришганидан буён ўзи танлаган йўлдан қатъият билан олға бормоқда. Халқаро ҳамжамиятнинг нуфузли аъзосига айланиб, давлат суверенитети ва миллий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида улкан ютуқларни қўлга киритмоқда.

Сизга соғлиқ, муваффақият, оила аъзоларингиз ва бутун Ўзбекистон халқига бахт-саодат тилайман.

Эҳтиром ила,

**В.ВИДЯПИН,**
**Г.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси президенти**


РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ТАНЛОВ САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

**Савдо 2001 йил 28 сентябр куни соат 17.00 да Республика биржа маркази биносининг 3-қавати мажлислар залида ўтказилади.**

*Танлов савдосига қуйидаги объект қўйилади:*

**Қашқадарё вилояти, Китоб туманида жойлашган, «Мингчинор» вилоят асаб касалликларини қайта даволаш шифохонаси.**

**Бошланғич баҳоси- 30860 минг сўм (76 500 АҚШ доллари).**

**Танлов савдосида қатнашишни хоҳловчилар, савдо ташкилотчиси- Республика Кўчмас мулк биржасига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этиши лозим:**

*-Белгиланган шаклдаги ариза;*
*-Объектга таклиф қилинаётган баҳо ва уни ишлатишнинг бошқа жиҳатлари кўрсатилган алоҳида конвертда муҳрланган бизнес-режа ва таклифлар;*
*-Савдо ташкилотчиси (РКМБ) нинг Ўзбекистон Республикаси «Ўзуйжойжамғармабанки»нинг Тошкент шаҳар бўлимидаги 20210000600571452001, МФО 00425, ИНН 200933850 бўлган ҳисоб рақамига объект бошланғич баҳосининг 10 фоизлик гаров пулининг тўланганлиги ҳақида тўлов қоғози нусхаси;*
*-Юридик шахслар учун унинг рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги ҳужжат нусхаси.*
*-Юридик шахслар учун нотариус томонидан тасдиқланган Низом нусхаси.*
*-Жисмоний шахслар учун-паспорт.*
*Чет эл ҳуқуқий шахслари учун қўшимча қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:*
*-қайси давлатдан қайд (регистрация) қилинганлиги ҳақида реестрдан кўчирма;*
*-инвесторнинг халқаро аудит хизматидан тўлов қобилияти ҳақида маълумотнома.*
*Тақдим этилган муҳрланган конвертлардаги бизнес - режалар ва объектнинг баҳоси бўйича таклиф 2001 йил 28 сентябрда Республика биржа маркази биносининг 3 қаватидаги мажлислар залида очилади.*

***Танлов савдосидан объектни сотиб олишнинг шартлари:***

*1.Шифохона фаолиятини 3 йилгача ўзгартирмаслик.*
*2.Қўшимча тиббий хизмат турларини ташкил этиш.*
*3.Шифохонани замонавий тиббиёт аппаратуралари билан таъминлаш.*
*4.Санитария ва гигена қоидаларига қатъиян амал қилиш.*
*5.Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчиларига имтиёзли равишда хизмат кўрсатиш.*
*Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига 3 кун қолганида тўхтатилади*
*Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишларигизни сўраймиз.*

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3 қават, 44 хона, Республика Кўчмас мулк биржаси.**
**Маълумот учун телефонлар: 136 26 26, 136 28 75**
**Факс: 136 06 17**

*Ўзбекистон Қаҳрамонлари*

# ФАЙЗИОБОД ФАХРИ

***Узун туманининг Боботоғ этакларида жойлашган Файзиобод қишлоғининг табиати сўлим ва мафтункор. Тошдан-тошга урилиб кўпириб оқадиган зилол сувлари, ширин-шарбат мевалари, кенг яйловлари баҳоси йўқ бойлик. Одамлари танти, меҳнатсевар, иродали. Улардан бири Омон бобо — кекса ўқитувчи, ҳалол меҳнат билан Файзиободда обрў-эътибор қозонган, том маънода бахтли инсон. У фарзандларини ўқимишли, одамохун, юрт ишқи билан яшайдиган инсонлар этиб тарбиялаш учун бор имкониятини ишга солди. Ўғли Раҳмонжон тенгқурлари қатори яйловда қўй боқиб вояга етди. Бир воқеа йигитнинг ҳаёт йўлини белгилашда муҳим рол ўйнади. Энг яқин кишиси, қолаверса, ҳамқишлоғининг касалликдан вафот этиши унга қаттиқ таъсир этди.***



— Шифокор бўламан, - деди у қатъий оҳангда отасига.

— Яхши ният, - таъкидлади хонадон бошлиғи. - Фақат бунинг учун орзунинг ўзи камлик қилади. Институтга кириб ўқиш, соҳа сирларини қунт билан эгаллаш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди, болам.

Раҳмонжон аҳдида қатъий турди. Тинмай ўқиди, изланди. Омади бор экан, талаба бўлиш насиб этди. Бўлажак шифокор энг тажрибали мутахассислардан сабоқ олди. Изланиш, беором онлар бесамар кетмади. Раҳмон Муҳамадиев кўз касалликлари бўйича шифокор бўлиб етишди. Орадан йиллар ўтди. Бу орада у қанчадан-қанча беморларни даволаб, ёруғ жаҳонни қайта кўришликни насиб этди.



Мана, чорак асрдирки, Раҳмон ака Сурхондарё вилоят кўз касалликлари шифохонасининг бош ҳакими. Унинг ташаббуси, ташкилотчилиги туфайли Термиз шаҳрининг энг кўркам кўчаларидан бирида уч қаватли замонавий шифо маскани иш бошлади. Бу ерга хориждан тиббиёт асбоб-ускуналари келтирилди. Малакали, изланувчан, энг муҳими, бурч масъулиятини чуқур ҳис этадиган кадрлар ишга таклиф этилди.

Ҳозирги кунда мазкур кўз касалликлари шифохонаси бир йўла кўплаб беморларни қабул қила олади. Таъкидлашларича, ёшлар мураббийси, етук мутахассис Раҳмон Омонович ҳамиша изланишда. Фан номзоди, ўзига хос тажриба мактаби яратган шифокор. Соҳанинг энг сўнгги янгиликларини амалиётга жорий этишга ҳаракат қилади. Мақсадга эришишда Америка Қўшма Штатларида бўлиб, орттирган бой тажрибаси ғоятда асқотмоқда.

Қўли енгил шифокор довруғини эшитиб, беморлар унинг клиникасига нажот истаб келадилар. Сўнгги вақтларда Эшдавлат Чориев, Қўйли Ўрозов, Иброҳим Олтибоев, Аҳмад Тангриев, Илҳом Чориев каби турли соҳа кишилари ундан шифо топиб, дарддан тўла халос бўлдилар. Ўз касбининг фидойиси Раҳмон Муҳамадиев ҳаётида қувончли воқеа содир бўлди. У давлат ва халқ олдидаги катта хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига кўра «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони ҳамда олий нишон — «Олтин Юлдуз» медалига сазовор бўлди. Бу хушхабарни файзиободликлар фахр ҳис-туйғулари ила қарши олдилар.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири.**






## ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

# ЎНТА ИНШООТ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

Кексалар «Инсондан бу дунёда қилган савоб ишлари, қурган йўли, кўприги, бунёд этган бинолари қолади», деб кўп такрорлайдилар. Шу гапларнинг мағзини чақсак, унда кўп маъно мужассам эканини тушуниб етамиз. Бизнинг ҳам қалбимизда эзгу ишларга иштиёқ уйғонади.

Жонажон Ватанимиз истиқлолининг ўнинчи йилида Ховос тумани маркази ва қишлоқлари янада кўркамлашди. Қатор муҳташам бинолар қад кўтарди ва тумаининг маъмурий маркази ҳисобланмиш «Фарҳод-5» қўрғони кўркига кўрк қўшди. Жумладан, кейинги бир йил ичида «Фарҳод» қишлоқ хўжалик кооперативининг учинчи бўлими, «Фарҳод-2» даҳаси, «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» ширкатлар уюшмаси, Бобур номидаги ҳамда «Навбаҳор» хўжаликлари ҳудудида қишлоқ врачлик пунктлари қад кўтарди. Уларнинг ҳар бирига 30 миллион сўмдан маблағ сарфланди. Мазкур муассасалар ҳозир аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Туман марказидаги тез тиббий ёрдам бўлими ҳамда диагностик лаборатория бинолари қайта қурилди.

Ховоснинг диққатга сазовор ва зиёратгоҳ жойларидан яна бири — Хотира майдони барпо этилди.

Туман газлаштириш идораси Мустақиллик байрами арафасида янги бинога кўчди.

**Суратларда: Ховосда бунёд этилган иншоотлар.**




Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида фидокорлик намуналарини кўрсатиб ишлаётган юртдошларимизнинг катта гуруҳи «Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллиги» эсдалик нишони билан тақдирланди. Бундай эъзозга сазовор бўлганлар орасида Узун туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумтаълим мажмуаси ўқитувчиси ва илмий бўлим мудири Мавлуда Мамадалиева ва 18-ўрта мактаб муаллими Ҳикматулла Жўраев ҳам бор.

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар.**

## МЎЙНОҚДА АЖОЙИБ КОЛЛЕЖ

Мўйноқда янги касб-ҳунар коллежи ишга тушди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанада сўзга чиққан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Т.Камолов йиғилганларни мамлакат мустақиллигининг 10 йиллиги байрами билан табриклади. Кейинги йилларда юзага келган табиат мураккабликларига қарамай, Мўйноқда ҳам йирик бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганини таъкидлади.

Шундай муҳим иншоотлардан бири бўлган касб-ҳунар коллежида саноат, транспорт соҳасида 6 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланади. Янги ўқув маскани 600 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, бу йил ўз бағрига 250 ўқувчини қабул қилади.

Коллеж биносини «Қорақалпоқагроқурилиш» бирлашмасининг бунёдкорлари қуриб битказди. Шинам ва ёруғ синфхоналар, компьютер зали ва спорт мажмуи билим олиш, ҳунар ўрганиш ҳамда машғулотлар ўтказиш учун қулай бўлиб, замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган.

**(ЎзА).**

***«Синдор МК» фермер хўжалиги раиси Мўминжон Қаххоровни бу атрофларда каттаю кичик бой бува дейди. Бу эҳтиром бежиз эмас. Инсонларга меҳр-оқибат, эҳтиёжмандларга мурувvати туфайли шу номга сазовор бўлган.***

# МЎМИНЖОН ФЕРМЕР

У узоқ йиллар Жиззах туманидаги бир неча хўжаликка раҳбарлик қилди, элга меҳрибон, ташкилотчи раис, уста деҳқон бўлиб танилди. Ҳалол меҳнатлари туфайли элда обрў топди, мустақил Ўзбекистонимизнинг мукофотлари билан тақдирланди.

Мўминжон ака пенсияга чиққач, шу йилнинг бошида фермер хўжалиги ташкил этди. Ихтиёрига 150 гектар ер берилди. 52 нафар кишини ишга олди. Аввало ишловчиларнинг яхши дам олишига шароит яратди. Дала шийпони деҳқоннинг иккинчи уйига айланди. Хўжалик аъзоларига ҳар куни уч маҳал бепул овқат тайёрланади. Юмуш кўпайган пайтларда ётиб қолиб ишловчилар кароват, ўрин-кўрпа билан таъминланган.

Президентимиз бу йил ғалладан мўл ҳосил етиштирган деҳқонлар меҳнатини қаҳрамонликка қиёсладилар. Юксак баҳо меҳнаткаш чарчоғини ёзди, кўнглини кўтарди. Чунки табиат бу йил ўзбек деҳқонини яна бир жиддий синовдан ўтказди. Сув танқислиги ва бошқа қийинчиликларга қарамай кўп жойда кўзланган ҳосил олинди.

— Иродали, бардошли, ор-номусли халқмиз, - дейди бой бува. — Бир ишга астойдил киришдикми албатта охирига етказишга интиламиз. Уйингиз донга тўлдими, энг катта давлат шу. Ватан деб аталмиш азиз диёр мана шу уйдан бошланади. Ҳар бир хонадонда тўкинчилик бўлса, демак юрт бадавлат, эл тинч. Бизга энг кераги шу.

Суҳбатдошимиз рақамларни шунчаки келтирмайди. Унинг одамларга қандай нафи борлигини мушоҳада қилиб сўзлайди. Фермер хўжалиги аъзолари давлат буюртмасида белгиланган 62 тонна ўрнига 90 тонна дон топширганлари, унинг аҳамияти ҳақида гапиради. Ўзларига 85 тонна қолганини, ишловчиларга 2 тоннагача, кам таъминланган оилаларга жами 5 тонна буғдой тарқатилганини, кишилар чеҳрасидаги хотиржамликни мамнуният билан сўзлайди.

— Пахта мавсуми тугагач, яна берамиз, - дейди фермер. — Ундан ташқари сомон ҳам олишади. Булар ойликдан ташқари. Бизда энг кам маош 12 минг сўм. Ҳатто 30 минг сўмгача оладиганлар бор. Кейин ғалла, чорвага озуқани ташиб олишда ўзлари овора бўлмасликлари учун хўжалигимиз техникасида уйларига элтиб берилади.

Айтмоқчи, «Синдор МК» ўзига етарли техникасига эга. Ҳатто юк машинасигача бор. Кўпини хўжалик аъзоларининг ўзлари тиклашган. Яқинда лизинг асосида 31 миллион сўмга «Максим» трактори олиб келишди. Кейинроқ кичик автобус ҳам олишмоқчи.

Мана, бу ерда ҳам пахта йиғим-терими бошланмоқда. Мўминжон аканинг айтишича, ҳашарчилар ҳар куни хўжалик машинасида далага олиб келиниб, кечқурун уйларига элтиб қўйилади. Уларга ҳам пешинда тушлик ташкил этилади. Харажатлар хўжалик ҳисобидан. «Терим пули кунда даланинг ўзида тарқатилади. Биринчи теримдаёқ режани бажарамиз», дейди фермер.

— Шу кунларга етказганига шукр, — вазминлик билан сўзида давом этади суҳбатдошимиз. — Давлатимиз нималарга қодирлигини ўн йилдаёқ кўрсатди. Булар бари истиқлол туфайли.

Бой бува аввалдан эртанги кунни ўйлаб иш тутадиган кишилардан. Ҳозир эни 20, узунлиги 80 метрли бостирма қуриш ҳаракатида юрибди. Унда техника, ўғит сақланади. Яқинда лойиҳасини тасдиқлатиб келди, яна дала шийпонининг қишки биносини тўла таъмирдан чиқармоқчи.

Кейинги йилдан эса фермер хўжалигида чорвачилик ҳам йўлга қўйилади. Хуллас, ниятлари кўп унинг.

— Мустақилликнинг ўн йиллик тўйига атаб қўй сўямиз, юздан зиёд кишини чорлаб ош берамиз, — хайрлашаётиб, — деди бой бува.

**Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Ўз ерининг ҳақиқий хўжайинлари*

## «ДИЙДОР» ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Қарши шаҳридаги «Наврўз» чойхонасида республика мустақиллигининг 10 йиллиги ҳамда Оналар ва болалар йилига бағишлаб «Дийдор» деб аталган хайрия тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда шаҳарда яшаб истиқомат қилувчи меҳнат, уруш фахрийлари, намунали оила соҳибалари иштирок этдилар.

«Нуроний» жамғармаси вилоят ва шаҳар бўлимлари ташаббуси билан хайрия тадбирида қатнашган 40 нафар кам таъминланган оила фарзандларига дарсликлар ва ўқув қуроллари, ўзгалар парваришига муҳтож 15 нафар қарияга эса 100 минг сўмлик совғалар топширилди. Санъаткорларнинг куй-қўшиқлари йиғилганларга ҳузур бағишлади.

**ЁЛҚИН.**

# ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ ВА ҚАДРИ

(Боши 4-бетда)

Худди шу масалада вилоят адлия бошқармаси томонидан хўжалик судларига 121 миллион сўмликдан зиёд дебитор қарзларни ундириш бўйича 181 та даъво аризаси, фуқаролик ишлари судларига 13,9 миллион сўмлик моддий ва 606 минг сўмлик маънавий зарарни ундириш бўйича 30 та даъво аризалари киритилди. Суд идоралари даъволарни қаноатлантириш жараёнида айбдор мансабдор шахсларга тегишли жазо чораларини қўллади.

Ҳозир вилоятда фаолият кўрсатаётган ўрта ва кичик бизнес корхоналари сони 22 мингга яқин. Қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ва бошқа соҳаларни ривожлантиришда, маҳсулот етиштириш ва ишлаб чиқаришда, ички бозорни тўлдиришда уларнинг ҳиссаси салмоқли.

Тадбиркорларни ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш, ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида уларда «Текширишларни рўйхатга олиш китоби» мавжуд бўлиши чоралари кўрилмоқда. Адлия бошқармаси томонидан ўтказилган сўровлар ушбу китобнинг қўлланиши ҳудабеҳуда текширувларга чек қўйган. Афсуски, бунинг аҳамиятини ҳамма ҳам тушуниб етмаган. Сиёб туманининг Тошкент кўчасидаги савдо-маиший хизмат расталарида фаолият кўрсатувчи ўнлаб тадбиркорлар бундай китоб ҳақида тасаввурга ҳам эга эмаслиги ажабланарли ҳол. Ундан ташқари, тадбиркорлар учун бошқармада «Ишонч телефони» ташкил этилган. Оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда ҳуқуқий мавзуларда мақолалар эълон қилинмоқда. Тадбиркорларга уларнинг ҳуқуқлари, имконият ва имтиёзларини ўргатиш учун йилнинг ўтган даврида Жомбой, Булунғур, Ургут, Самарқанд, Пастдарғом, Гўзалкент туманларида семинар йиғилишлар ўтказилди.

Ўрта ва кичик бизнес вакиллари ҳамда мансабдор шахслар иштирок этган бу тадбирларда давлатимизнинг шу масалага оид қонунлари, айниқса, эркин фаолият ҳуқуқини кафолатлайдиган қонунлар моҳияти батафсил тушунтирилди. Мавжуд муаммоларни жойида тезкорлик билан ҳал этиш механизми йўлга қўйилди. Бу ишларнинг самараси вақт ўтган сайин кўзга яққол ташланаяпти.

Шу ўринда яна бир мулоҳазани билдириш зарур. Туманлардаги деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси вакиллиги, тадбиркорлар палатаси каби тузилмалар ўрта ва кичик бизнес вакилларини чин маънода бирлаштирувчи, ҳимоя қилувчи бўғин бўла олмаяпти. Туманларда фермерлар уюшмаси илгариги агросаноат уюшмаси вазифасини бажаришдан нарига ўтмаяпти. Ҳолбуки, улар тадбиркор деҳқонларга иқтисодий, ҳуқуқий маслаҳатчи, янгиликларни жорий қилишда кўмакчи бўлишлари керак. Ўрта ва кичик бизнеснинг ривожланиши мамлакатдаги иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг ечимини тезлаштиради. Чунки тадбиркорлик фаолияти биринчи галда ишсизликка барҳам беради, одамларнинг турмуш даражасини яхшилайди. Бу соҳадаги ҳалол рақобат эса, янгилик яратишга, изланишларга йўл очади.

**Х.ФАЙЗИЕВ,**
**Самарқанд вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

# ИШ ҲАҚИ СУДДА УНДИРИЛДИ

***Айрим корхона ва ташкилотларда ишловчи ишдан бўшаб кетган бўлса-да, у билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш ишлари пайсалга солинмоқда. Ана шундай ҳолга Жиззах вилоят «Агрокимё» станциясида ҳам дуч келиш мумкин. Бу билан иш берувчи томонидан Меҳнат Кодексининг 154-моддаси талаблари бузилган.***

Ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини тиклаб беришни сўраб Жиззах вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитасига мурожаат қилган Акром Илёсов аризаси кўп уринишлардан сўнг ижобий ҳал этилди.

Тармоқ қўмитасининг «Агрокимё» станцияси раҳбари Саид Ўроловга йўллаган хати жавобсиз қолмади. Фақат унда ташкилот раҳбари узундан-узоқ ваъдалар берганди...

Шундан сўнг тармоқ қўмитаси Меҳнат Кодексининг 154-161-моддаларига асосан, фуқаро А.Илёсовга иш ҳақини ундириб беришларини сўраб, станция маъмуриятини вилоят фуқаролик ишлари бўйича судга берди.

Аслида воқеа бундай бўлганди: А.Илёсов мазкур станцияда картограф вазифасида ишлаб келар, 1999 йил апрелидан 2001 йил мартигача ойлик иш ҳақини тўлиқ ололмас, фақат унга аванс (бўнак) тўлаб келинарди. Икки йил мобайнида унинг олган пули 14 минг 162 сўмни ташкил этган, холос. Қўлга тегмаган ойлик маоши йиғилиб 120 минг сўмдан ошган.

Корхона раҳбарининг жорий йил 13 январдаги буйруғига кўра А.Илёсов штати қисқартирилди. Орадан белгиланган икки ой ўтса-да, негадир корхона у билан тўла ҳисоб-китоб қилишни «унутди».

Меҳнат Кодексининг 110-моддаси талабига кўра ишдан бўшаган ходимга иш ҳақи бир кундан кечиктирмасдан тўланиши лозим эди. Лекин музкур қонун талабини корхона раҳбари бажармай собиқ ходимни яна сарсон қилди.

Вилоят фуқаролик ишлари бўйича суди судьяси Э.Умрзоқов раислигида бўлиб ўтган суд жараёни ҳақиқат қарор топишини таъминлади. Суднинг ҳал қилув қарори билан А.Илёсовга вилоят «Агрокимё» станцияси ҳисобидан 120 минг 69 сўм иш ҳақи ундириб берилди.

**А.АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ҲОЖАТБАРОР

**Очерк**

***Шуниси қувончлики, бугунги кунда юртимизда мактаб-мариф соҳасига ҳомийлик қилаётган тадбиркорлар пайдо бўла бошлади. Тўрақўрғон туманидаги «Имкон» хусусий фирмаси раҳбари Раҳмонжон Назаровнинг ўз ҳисобидан 270 ўринли мактаб биноси қуриб, ҳамқишлоқларига ҳадя қилгани ибратли ташаббус, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга лойиқ иш десак, тўғри бўлади.***

Муҳтарам Президентимизнинг Наманганга сафари чоғида айтган ушбу сўзлари асл тадбиркорга илҳом, ишонч, куч-қувват бағишлади... Ҳа, ҳаётда эзгулик унутилмас экан. Мана, отасининг дунёдан кўз юмганига анча вақт бўлган эсада олис-яқиндан кўнгил сўрагувчилар келиб-кетиб туришибди. Раҳмонжон мана шуларни ўйласа отаси бу фоний дунёда кўп дўстлар орттиргани, ўзидан нурли из қолдирганидан фахрланиш ҳиссини туярди. Шундай кезларда Абдураҳмон Жомийнинг:

*Қолдирай десанг жаҳонда яхши ном,*
*Яхшилик қил, яхшилик қилгил мудом,*

деган мисралари Усмонжон отага ўхшаганларга нисбат бериб айтилгандай туюлади унга.

Изланганга толе ёр, дейишади. Р.Назаров Андижон қурилиш техникумини битириб келгач, Оқтош шаҳарчасидаги механизациялашган кўчма жамланмада аввал ғишт терувчи, иш бошқарувчи, участка бошлиғи бўлиб ишлади. Кейинроқ Тўрақўрғондаги уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотига бошлиқ, Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли турар-жойлардан фойдаланиш бошқармасида муҳандис, сўнг раҳбар бўлди. Бу ерда у 64 та кўп қаватли турар-жой биноларини, инженерлик иншоотларини таъмирдан чиқаришга раҳбарлик қилди.

Кооператив фаолиятга рухсат этилгач, Давлатобод туманида «Тезкор» ширкатини тузиб, Россия шаҳарларидан газ ва сув қувурларини олиб келиб, аҳолини газ, ичимлик суви билан таъминлашда фаоллик кўрсатди. Натижада, Мингбулоқ, Поп, Косонсой, Янгиқўрғон, Тўрақўрғон туманларининг шаҳар-қишлоқлари бу хайрли тадбирдан четда қолмади. «Сантехкомплекс» ишлаб чиқариш корхонаси Раҳмонжон бошчилигида Тўрақўрғон туманидаги «Намуна», «Наврўз», «Ибрат», «Ғайрат», Бобур номли, «Ўзбекистон», «Туркистон» хўжаликларида икки юз километрдан ортиқ масофада газлаштириш ишларини олиб борди. Шу даврда «Тезкор» ширкати томонидан 48-ўрта мактаб, вилоят марказий туғруқхонаси биноси ва 7 та болалар боғчаси сифатли таъмирдан чиқарилди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, тадбиркорликка кенг йўл очилди.

Табиатан янгиликка интилувчан, давр нафасини чуқур ҳис қилувчи Раҳмонжон укалари, дўстларини ёнига олиб, Тўрақўрғон туманидаги «Намуна» жамоа хўжалиги ҳудудида «Имкон» корхонасини қуриб ишга туширди. Дастлаб 38 киши билан фаолият бошлаган жамоа кенгайиб, тез орада юз нафардан ортиқ меҳнаткашни ўз сафига бирлаштирди. Корхона қисқа фурсатда катта ишлар қилиб, кўплаб фойда олиб, унинг асосий қисмини аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфлади. Шу боис, корхона ва унинг раҳбари номи тезда эл оғзига тушди.

Кези келганда Раҳмонжонда мактаб қуриш тўғрисидаги фикрнинг туғилиши ҳақида бир воқеани эслаб ўтиш жоиз. Тошкентдаги юмушларини битириб, қишлоққа қайтаётганда йўлда у бир гуруҳ ўқувчи болаларни учратади. Салом-аликдан сўнг уларни сўроққа тутди:

— Қаердан келаяпсизлар?
— Мактабдан.
— Мактабларинг қаерда?
— Жуда узоқда.
— Қаерда яшайсизлар?
— «Янги маҳалла»да.
— У ерда мактаб йўқми?
— Шундай.

Раҳмонжон ўғил-қизларнинг совуқдан этлари увишаётганини пайқаб, уларни бошқа сўроққа тутмади. Қисқа мулоқот кўп нарсани ойдинлаштирганди. Шуларни ўйлаб, туни билан кўзига уйқу келмади. «Мактаб керак, болаларимиз ҳеч нарсадан кам бўлмасин. Ахир шуларни деб юрибмиз». Умр йўлдоши Маҳбубахон эрининг мақсадини сезиб ҳаяжон ила сўради:

— Нима қилмоқчисиз?

— Хабаринг бор, мустақиллик бўлиб, уй қуришга ер берилди. Бизнинг Найманчада ҳам 64 хўжалик уй қуриб, янги маҳаллага кўчди. Уларнинг болалари 19-мактабга бориб-келишга қийналишаяпти. Йўл узоқ, шу сабаб Янги маҳалла атрофига мактаб қуриб бермоқчиман.

Шундан кейин ётганда ҳам, турганда ҳам унинг хаёли янги ўқув масканини барпо этишда бўлди. Ушбу ниятни ўша пайтда Тўрақўрғон ҳокими бўлиб ишлаётган Икромжон Нажмиддиновга айтди. Бу эзгу ишга у дарҳол розилик билдирди ва мактаб биноси қурилишига ер ажратилди.

Яхши ният — ёрти мол. Ишлар, режалар у ўйлагандан ҳам тезроқ, пухтароқ амалга оша бошлади. Кўклам охирлаб, ёғингарчиликлар тинганда 270 ўринли мактаб биносига пойдевор қўйилди. Орадан роппа-роса юз кун ўтгач, яъни 1998 йилнинг 1 сентябри — Республикамиз мустақиллиги кунида у ўғил-қизларга ўз бағрини очди.

Шу куни қишлоқ аҳли учун қўшалоқ байрам эди. Ҳамманинг юзида қувонч, табассум. Қишлоқнинг етти ёшидан етмиш ёшигача мустақиллик меваларидан шодумон эдилар.

### «Аср кишиси» танловига

Ҳамма орзиқиб кутган хайрли иш битган бўлсада, Раҳмонжоннинг кўнгли жойига тушса кошки эди. Шу куни у қишлоқ фаолларига галдаги ниятини айтди. Қишлоқ тиббиёт пункти — саломатлик масканини яхшилаб таъмирдан чиқариш даркор, деди.

— Барака топинг, Худо берингизга минг берсин. Ҳа, айтмоқчи, яна бир жойга эътибор кучайтирилса зап иш бўларди.

Фикрингизни уқдим, аввало қабристон атрофини тартибга келтирамиз. Ўтган йил охиригача қишлоқ қабристони атрофи темир панжара билан ўралди. Янги маҳалла ҳудудидаги салкам 2,5 километрли масофага табиий газ қувурлари тортилди. Зангори олов ёнган куни 60 дан зиёд хонадон соҳиблари, уй бекаларининг қувонганини кўриб, тўғриси, Раҳмонжоннинг ҳам кўзларида севинч ёшлари пайдо бўлди.

— Р.Назаровни қурилиш кўчма жамланмасида ишлаганидан буён яхши биламан, - дейди «Ўзбекистон», «Намуна» жамоа хўжаликларининг собиқ раиси, ҳозир нафақадаги Аррабой ака Ибрагимов. — У қаерда фаолият кўрсатмасин, иккинчи даражали иш билан биринчи даражалисини тезда ажратиб олади. Масалан, қанд, шакар масаласида узилишлар бўлиб турган бир пайтда, хўжалигимиз ҳудудидан 2 гектар жой олиб, цех қурди ва шакар ишлаб чиқаришга киришди.

Ўқувчиларга ҳадя қилган мактаби ёнига муҳташам спорт зали қурилишини бошлади. Фарзандларимиз ҳам маънан, ҳам жисмонан камолга етсин, дейди-да, барака топкур.

***Абдуллажон МАЖИДОВ — меҳнат фахрийси:***

— Раҳмонжонни Раҳмонжон қилган — кўпчиликнинг дуоси. Қаерда савобли иш қилинаётган бўлса, уни ўша ерда учратасиз. Ота-бобоси ҳам маҳалла-куй хизматига жонини берарди. Битта мисол. «Найманча» қишлоғини газлаштириш масаласида мурожаат қилиб бормаган жойимиз қолмади. «Имкон» фирмаси раҳбари аралашди-ю, мушкулимиз осон бўлди-қўйди. Кам таъминланган, моддий жиҳатдан ночор оилалар хонадонларига бепул газ тушириб берилди.

Кам таъминланган, боқувчисини йўқотганлар, етим-есирларга ёрдам бериш умуман, ҳар доим одамлар дардига малҳам бўлишлик ташвишида юриш унга хос. Шу боис кўплар Яратгандан фарзандлари Раҳмонжонга ўхшашини тилашади.

Халқимизда «Эзгуликнинг катта кичиги бўлмайди», деган нақл бор. Фирма жамоаси шунга амал қилиб келаётгани туфайли маҳалла-кўй ҳурматига сазовор бўлаётир. Бунга оддий бир мисол: Тўй-маъракаларда қариялар уриниб қолмасин, деб автобус ажратилади. Кундузими, кечасими — кимдир касалхонага, яна кимдир туғруқхонага боришига зарурат туғилиб қолса машина тайёр.

Юнусали ҳам акаси изидан бораётир. Ўтган қиш арафасида шофёр Ҳамидулланинг томидан чакка ўтаётгани, уни таъмирлаш учун кучи етмаслигини пайқаб, уйидаги шиферларини олиб бориб берибди...

«Имкон»нинг хайрли ишларидан яна бири — фирма ҳисобидан сиғими 2000 куб-метр ҳажмли сув ҳавзасини барпо этганидир. Бунинг учун 210 метрли қудуқ қазилди. Насос ёрдамида чиқарилаётган тоза ичимлик суви «Найманча» ва қўшни қишлоқ аҳолиси мушкулини осон қилмоқда.

1999 йилнинг охирларида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайловлар ўтказилаётган пайт эди, — дейди. — Фидокорлар миллий демократик партияси Наманган вилоят кенгаши томонидан халқ депутатлари вилоят кенгашига кўрсатилган номзодлар орасида Раҳмонжон Назаров ҳам бор эди.

Сайлов демократик, кўп партиявийлик асосида ўтаётгани учун депутатликка номзодлар сони ҳам кўп эди. Бироқ шунга қарамай, мактаблар, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, хўжаликларда бўлиб ўтган сайловолди йиғилишларда одамлар у ҳақда кўпроқ тўхталишар, биз кўпчиликка қайишадиган, кўмакка муҳтожлар юкини енгил қиладиган, қонунларни яхши биладиган номзодга овоз берамиз, дейишарди. Пировардида, Р.Назаров вилоят Кенгашига депутат этиб сайланди.

... Бугун Раҳмонжон ҳар галгидек ишдан кеч қайтди у ўз фикр-ўйларини турмуш ўртоғи билан баҳам кўришни ёқтирарди. Бу гал ҳам шундай бўлди.

— Ҳозир ишсизлар борлиги сир эмас, — дея гап бошлади у. — Бозор шароитида шундай бўлиши табиий, албатта. Айрим хўжалик, корхона, фирма раҳбарлари эса ҳали ҳам ислоҳотлар туб моҳиятини тўла англаб етишмаётир. Қишлоқни саноатлаштириш жараёни суст бораётир. Фикримча хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш керак!

Раҳмонжон Маҳбубахонга дилидаги бор гаплари, орзу-умидлари, режаларини дастурхон қилиб ёзаётганди. У юртимизда, шу жумладан, вилоятда рўй бераётган янгиликларни вужудига сиғдиролмай, ёш боладек энтика-энтика сўзлар, гапирган сайин қалби ғурурга тўлиб, эртанги куннинг янада ёруғ бўлишини тасаввурига келтирарди.

**Абдунаби МАННОПОВ,**
**Ҳусанбой БЎРОНОВ.**

## БАЙРАМГА ТУҲФА



Байрам арафасида Бухоро тумани пахтакорлари қувончли воқеанинг шоҳиди бўлдилар. Тумандаги 47-кўчма механизациялашган жамланма қурувчилари Галаосиё шаҳри яқинида пахтани қайта ишлаш заводи қурилишини охирига етказдилар.

— Завод йилига 40 минг тонна хом ашёни қайта ишлаш қувватига эга. Энг муҳими, бу ерда камида 400-500 нафар киши иш билан таъмин этилади. Корхонани пахта етиштирувчи хўжаликларга яқин жойда қурилиши эса маҳсулотни ташиш учун сарфланадиган миллион-миллион сўм маблағни тежаш имконини беради, - дейди завод директори Аҳмаджон Мирмуллаев.

Ҳа, ихчам технология асосида ишлаб, ҳам электр энергия, ҳам бошқа қувватларни анча тежаш эвазига арзон, сифатли маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган янги иншоот байрамга муносиб совғадир.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## БОЗОР ИШГА ТУШАДИ

***Чироқчи тумани марказида замонавий тижорат бозори қурилиши тугалланди. У мустақилликнинг ўн йиллиги шодиёнаси кунларида ишга туширилади.***

— Туманимиз ҳудудини, аҳолининг талаб ва таклифларини инобатга олган ҳолда қурилиш ишларини амалга оширдик, - деди туман бозори акциядорлик жамиятининг раиси Эшдавлат Ҳусанов “Туркистон-пресс” мухбирига. — Шунингдек, мазкур йилда туман марказидан олисда жойлашган Айритом чўл қишлоғида ҳам бозор ишга туширилди.

Бозорда сотувчи ва харидор учун барча шароитлар яратилган. Бундан ташқари, Кўктош бозорини қайтадан таъмирладик. Чияли бозорининг олдинги шуҳратини тиклаш мақсадида бозор ҳудудини кенгайтириб, расталар қурдик. Бир пайтлар Чияли бозори сотувчи ва харидорлар билан жуда гавжум бўлган. Биз ана шу шуҳратини қайтадан тикламоқдамиз.

### Қарор ва ижро

***Ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати корхоналари тасарруфидаги оромгоҳларда Оролбўйи ҳудудидан 767 нафар бола мириқиб дам олди.***

## МАРКАЗИЙ ҚЎМИТА ТАШАББУСИ

Шу йилнинг июн ойида Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Унда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Тошкент, Самарқанд вилоятлари ва Фарғона водийсининг соғломлаштириш оромгоҳларида Қорақалпоғистон Республикасидан 15 минг ва Хоразм вилоятидан 5 минг боланинг ёзги дам олишини ташкил этиш бўйича таклифи маъқулланди.

Шу кунгача Федерация Кенгаши Қарорининг ана шу банди тўла бажарилди, десак муболаға бўлмайди. Хусусан, касаба уюшмаларига қарашли оромгоҳларда Оролбўйи ҳудуди болалари ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олинди. Уларнинг дам олиши ва даволаниши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилди. Бунда тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси алоҳида ўрнак кўрсатди.

Гап шундаки, Федерация Кенгаши Марказий қўмитага хат йўллаб, қарорга асосан Қорақалпоғистон Республикасидан 300 нафар, Хоразм вилоятидан 116 нафар болани соғломлаштиришни тавсия этганди. Яъни, мавсумда тармоқдаги оромгоҳларда 416 нафар бола дам олиши керак эди. Лекин, Марказий қўмита ташаббус билан чиқиб, Оролбўйи ҳудудидан бунга қўшимча яна 241 нафар кичкинтойни соғломлаштиришни режалаштирди. Амалда эса 767 нафар бола Республикамизнинг энг хушманзара жойларидаги дам олиш масканларида ўз соғлиқларини тиклаб қайтишди. Шундан 120 та йўлланма пули Марказий қўмита маблағидан қопланди. Қолган йўлланмаларни уларнинг ота-оналари ишлаётган корхона, ташкилот ва муассасалар бепул олиб берди. Бу борада айниқса «Ўзнефтгазмаш» акционерлик компанияси фидойилик кўрсатди. Бошқача айтганда, Бўстонлиқ туманида жойлашган компанияга қарашли «Хумо» оромгоҳида 60 нафар ўрнига 160 нафар қорақалпоғистонлик ўғил-қиз дам олди.

Бундан ташқари, ҳукумат Қарорига асосан Оролбўйи ҳудудида истиқомат қилувчи бошқа тармоқ болалари ҳам соғломлаштирилди. Мисол учун Андижон вилоятининг «Энергетик» оромгоҳида 151 нафар, Фарғона вилоятининг «Тонг», «Баҳодир» оромгоҳларида эса 373 нафар, Тошкент вилояти ва шаҳрининг «Чимён», «Коинот», «Оқ елкан», «Хумо», «Геолог» оромгоҳларида 2298 нафар ўғил-қиз ҳордиқ чиқарди.

Ушбу тармоқ оромгоҳларида ўғил-қизларимизнинг дам олишини таъминлаш билан бир қаторда уларнинг зерикиб қолмаслиги учун кўплаб ишлар қилинди. Масалан, Марказий қўмита томонидан дам олиш масканларига 1,5 миллион сўмлик спорт анжомлари, китоблар, плакатлар олиб берилди. Оромгоҳларда спортнинг бир неча тури бўйича мусобақалар ўтказилди. Ғолиб чиққанлар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Бундан ташқари, жойларда компьютер, техник моделчилик, бичиш-тикиш ва бошқа ҳар хил тўгараклар ишлаб турди. Қандолатчилик ҳунарига қизиққан ўғил-қизлар торт ва ширинликлар пиширишга ўргатилди. Мусиқа ва театр бўйича тўгарак қатнашчилари эса ўзларининг ажойиб чиқишлари билан тенгдошларига хуш кайфият бағишладилар. Кинофильмлар намойиш этилди, рақс кечалари уюштирилди.

Дам олиш масканларида болаларнинг овқатланиши ҳам яхши ташкил қилинди. Уларнинг бир кунда 4-5 марта тамадди қилишлари учун шароит яратилди. Шу тариқа қарор ижроси муваффақиятли адо этилди, болалар ёзи кўнгилдагидек ўтди.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

***«Матлуботчи» сиҳатгоҳида Тошкент туман ҳокимлиги ташаббуси билан «Истиқлол менинг ҳаётимда» мавзуида байрам сайили ўтказилди.***

## «ИСТИҚЛОЛ МЕНИНГ ҲАЁТИМДА»

— Бу сайил боқувчисиз қолган ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун байрам совғамиздир, — деди Тошкент туман “Соғлом авлод учун” жамғармасининг раиси Гулзода Юнусова “Туркистон-пресс” мухбирига. — Юртбошимиз “Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад таянчимиз — бу ўсиб келаётган ёш авлодларимиз. Мен ўзимнинг тақдиримни ҳам мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман”, деганларида минг бора ҳақлар. Сайил боқувчиси йўқ болаларнинг озор чеккан қалбларига озгина бўлсада қувонч бағишласа, ўзимизни бахтли сезар эдик. Сайилга Тошкент вилоятининг барча туманларидан 110 нафар бола таклиф қилинган.

Шунингдек, ушбу тадбирга ташриф буюрган болалар тумандаги “Турон” театрининг қизиқарли чиқишларини томоша қилдилар. Ҳомий ташкилотлар томонидан тарқатилган байрам совғалари болаларнинг қувончига қувонч қўшди.





*Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманида байрам арафасида «Қорасарой» озиқ-овқат дўкони ва қаҳвахонасининг очилиши аҳолига яна бир қулайлик яратди. Бу ерда харидорлар гавжум.*

***Суратда: озиқ-овқат дўконининг умумий ва ички кўриниши. Ҳ.СОЛИҲОВ олган сурат.***

## МЕҲРГА ТАШНА
### қалблар доимий эътиборда

### Ижтимоий ҳимоя

***Қарши шаҳар ижтимоий таъминот бўлимига қадам ранжида қилсангиз ҳар хил масалалар бўйича келган инсонлару, уларнинг оғирини енгил қилаётган ходимларни қизғин иш устида учратасиз. Бу ерда 19640 нафар пенсионерга хизмат кўрсатилади. Айниқса, ёлғиз кексалар муаммоларини ҳал қилиш, уларнинг ҳолидан хабар олишни улар асосий вазифа, деб билишади.***

Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорига асосан шаҳар ҳудудида яшовчи 170 нафар ёлғиз қариялар аҳволи ўрганилиб, ижтимоий ҳимояга олинган. Шулардан 113 нафари ўзгалар парваришига муҳтож кишилардир. Уларга 16 нафар ходим хизмат кўрсатмоқда.

Шундай одамларни 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун «Баҳриором» улгуржи таъминот савдо ташкилоти ва «Фозилбек» фирмалари билан шартномалар тузилган. Шу мақсадлар учун 6 ойда 1 миллион 723 минг сўм сарфланди. Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган диспансер кўриги натижасига кўра давога муҳтожларни дори-дармонлар билан вилоят ногиронлар жамияти, кўзойнаклар билан «Наврўз» хайрия жамғармаси таъминламоқда. «Қашқадарё соҳили» ва «Геолог» дам олиш масканларида ёлғиз-кексалар дам олдирилди.

Шу билан бирга уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида оталиқ ташкилот ва корхоналар орқали 80 нафар кишига 560000 сўм моддий мадад, 100 нафарига 926000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, 85 нафарига 302000 сўмлик саноат моллари ва 6000 АҚШ доллари ҳисобида инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Чернобил ҳалокатида зиён кўрган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилувчи фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ҳақида»ги қарорига асосан 67 нафар ишлаш қобилиятини йўқотган ногиронлар рўйхати ўрганиб чиқилиб, уларнинг ҳар бирига сиҳатгоҳ йўлланмаси ва дори-дармон учун 47650 сўмдан, жами 3 миллион 131 минг 300 сўм тўланди.

Шаҳар ижтимоий таъминот бўлимида 216 нафар протез-ортопедик анжомлардан фойдаланувчи шахслар рўйхатга олинган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тавсиясига биноан уларнинг 43 нафарига Тошкент «Ортопедия» ва Қарши «Протезист» корхоналарида керакли мосламалар ясатиб берилди.

21 нафар пенсионер ва ногиронларга 840 минг сўмлик сиҳатгоҳ йўлланмалари ажратилди. 12 нафар имтиёзга эга бўлган кишиларга бепул тиш протези қўйиш учун 60 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. 17 та ногиронлик аравачалари олиб берилди. Вазирлар Маҳкамасининг «II-жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Қарорига биноан 276 нафар фахрийларга 1 миллион 656 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, 7 нафар эшитиш қобилиятини йўқотган пенсионер ва ногиронга эшитиш аппарати, 8 нафарига қўлтиқтаёқ, 29 нафарига таянч ҳассалар тақдим этилди.

Давлатимизнинг инсонпарвар сиёсати ва ўз ишининг фидойилари бор экан, меҳрга ташна қалблар доимо эътиборда бўлади.

**Комила БОЙМУРОДОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

«Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби



***«Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум адабиёт ва санъат намояндаларини мукофотлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кинорежиссёр Наби Ғаниевнинг ҳам номи борлиги унинг мухлислари, яқинлари, ҳамкасбларини бениҳоя хушнуд этди.***

# МУҲАББАТ МАНГУ ЯШАЙДИ

Кинематографиямиз асосчиси Наби Ғаниевнинг машаққатли меҳнати, тинимсиз изланиши бугун тилга олиниши адолат тантана қилаётганидан нишонадир. Уни ҳибс қилган эдилар. Барибир ўзбекнинг севги-садоқатини, мурувватини мадҳ этаверган эди. Унга узоқ 27 ой давомида зиндон азобини бериб, миллатчиликда айб-лаб, тергов қилган эдилар. У эса ўзбекнинг самимиятини, тетик кайфиятини, ҳазил-мутойибасини экрандан таърифлаш ниятидан қайтмаган эди. Бу ноёб истеъдод соҳибининг киностудияда фаоллик кўрсатишини истамай, ишдан бўшатган эдилар. У эса қалами, мўйқалами ила юртини, халқини мадҳ этаверган эди...

Ўша машаққатли дамлар маҳсули бўлмиш филмлар йиллар оша бизга етиб келди. «Правда»нинг танқиди ҳам, терговчиларнинг таъқиби ҳам, «махсус комиссиялар»нинг бўҳтони ҳам, судда айтилган даҳшатли сўзлар, қўйилган айблар ҳам «Тоҳир ва Зуҳра»ни, Хўжа Насриддин ҳақидаги филмларни қоралай олмади. Наби аканинг нурли тасмалари жаҳон экранларини забт этаверди...

Наби Ғанизоданинг иродаси қанчалик кучли бўлмасин, доимий тазйиқ, ўринсиз танқид, ташкил этилган «муҳокамалар» асаб торларини бамисоли болта билан поймол қилаверганидан умри заҳарланди. Борйўғи 49 йил умр кўрган устоз унинг 28 йилини кинога бағишлади...





— Падари бузрукворимизнинг чеккан азоблари, бунёд этган асарлари, барпо этган ижодий-маърифий пойдеворлари, тарбиялаган шогирд-лари элимизга, Юртбошимизга бугун маълум эканлигини кўриб турибмиз. Қазо қилганларига ярим аср бўлиши арафасида юксак мукофотга сазовор бўлганлари қалбларимизни жунбушга келтирди. Миннатдорчилигимизнинг чеки йўқ. Бугун мен отамизга ҳамиша ҳамроҳ, дўст, ёрдамчи бўлиб келган онамиз — Маҳсума бонуга ҳам илиқ сўзларни яна бир бор айтгим келади, - дейди Дўнан Ғаниев, Наби аканинг фарзандлари.

Серқирра истеъдод соҳиби меҳрибон устоз ҳам эди. Унинг шогирдлари дил сўзларини тингланг-а.

**Юлдуз РИЗАЕВА, республикада хизмат кўрсатган артист, Зуҳра ролининг ижрочиси:**

— Меҳнаткаш эдилар. Ўзларини ҳеч аямас эдилар. Умрнинг маъноси ижодда, деб билардилар. Студия ғамида бўлардилар. Бирор ижодий, ташкилий ёки иқтисодий-молиявий ишни енгил-елпи, йўлма-йўлакай бажармаганлар. Юракдан ишлардилар. Биздан ҳам шуни талаб этардилар. «Мен режиссёрман, майда-чуйда ишлар билан ишим йўқ. Ўзингиз қилаверинг!» - деб бир чеккада ўтирганларини билмайман. Қалами ўткир бўлган, режиссёрлик бисоти бой бўлган, ижрочилик санъати қиёмига етган Наби ака суратга олиш майдончасида дурадгор, ёритувчи, юк ташувчи сифатида ҳам фаоллик кўрсатишига ўрганиб қолганини эсласам, ҳайратга келаман...

Шундай камтарин инсонни, тенги йўқ ўзбек режиссёрининг ижоди бугун юксак даражада қадрланаётганидан беҳад хурсандман.

**Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ, республикада хизмат кўрсатган артист, Тоҳир ролининг ижрочиси:**

— Устозимизнинг жойи жаннатда бўлсин! Ўзлари бугунги шодликни кўрмасалар ҳам, руҳлари шод бўлди: санъаткор ва мураббийнинг ижодига бугун юксак баҳо берилди... Қаранг-а, оғир меҳнат зое кетмади. Бугун унинг исми элда достон. Илк бор ўзбек тилида, ўзбеклар иштирокида ўзбек кино асарини яратишда Наби ака биринчилардан бўлиб овоз, тасвир, ижро, мусиқадан фойдалангани маълум. Шу билан бирга, у кўҳна Шарқ маданиятидан озиқ олиб турганини, унга меҳр қўйганини биламиз. Мен «Наби ака, уруш йиллари муҳаббатга бағишланган филм яратиш шартми? Жанговар асарлар ёзиш, суратга олиш тўғри бўлмасмикан», деб эҳтиёткорлик билан айтганимда, бу донишманд шахс:

— Инсон бор экан, муҳаббат ҳам бўлади. Бу мавзу эскирмайди... Кўрасиз, урушда, жанг бўлаётган ерларга ҳам Зуҳра ва Тоҳирнинг севгисини таърифловчи асарни қайта-қайта кўришаверади, деган эдилар. Шундай бўлиб чиқди...

Шундай асар яратилишида Наби ака Ғаниев раҳбарлигида озми-кўпми иштирок этганимдан бахтиёрман. Менинг Тоҳирим ҳам устозимга бугун табрик сўзларини йўлламоқда гўё.

Ҳа, бу санъаткордан бизга сценарийлар, филмлар, роллар, ҳикоялар, пьесалар, эскизларгина мерос бўлиб қолмади. Наби ака бизга элни севган киши бахтли бўлишини экрандан тушунтира олди, жўшқин ижод нашидасини бизга етказа олди, яхшилик қилишга ўргатди... Шундай шахс, шундай санъаткорнинг исми бугун элда достон!

**Ҳамидулла АКБАРОВ.**

Касбидан барака топганлар

***— Бу шифохона унча-мунча санаторийдан қолишмас экан. Шифокорларнинг жонкуярлигини айтмайсизми? Ўғлим таърифлаганда ишонқирамагандим. Оғир аҳволда келтиришганди, бугун эса қушдай енгилман...***

# МИНГБУЛОҚ ШИФОХОНАСИДА

Косонсой туманининг Тергачи қишлоғидан келган Бумайрам Бобоназарова миннатдорчилигининг чеки йўқ эди.

Бинобарин, Мингбулоқ туман марказий шифохонасининг Меҳнатобод қишлоғидаги асаб касалликлари бўлимидан қанча кишилар дардига малҳам топиб, оиласига қайтмади дейсиз. Шифохона сўлим гўшага жойлашган бўлиб, даволаш усуллари ҳам юксак даражада. Доктор Ҳамиджон Эргашев беморларга ҳар хил дори-дармонларни ичишни тавсия этавермайди. Доривор ўсимлик, мева, сабзавотларни афзал кўради. Игна билан даволаш ҳадисини олган. Физиотерапевтик муолажаларга эътибор қаратади.

Инсондаги яхши фазилатларга ҳавас қилиш, олижаноб одамларга эргашмоқ юксак маънавиятли кишиларга хос. Даволовчи ҳаким Иброҳим Бозоров, ҳамшира Манзура Мадяровалар тимсолида шундай хусусиятлар мужассам. Иброҳимдаги беморларга нисбатан самимият, ташхис қўйиш жараёнидаги синчковлик, игна билан даволашдаги маҳорат ва энг муҳими, бурчга садоқат обрў келтирмоқда унга.

Ҳамшира Манзура худди нажот фариштасига ўхшайди. Нафас қисиш, бронхиал астма каби хасталиклар беморда ногоҳон хуруж қилиб қолиши шошилинч тиббий ёрдамни тақозо этади. Олий тоифали бу ҳамшира бундай оғир ҳолатларни зудлик билан енгишга доимо шай ва бунинг учун билим ҳамда тажрибаси етарли.

Иброҳим Йўлдошев, Роззиля Разиддинова, Хосият Турсунова, Муҳаббат, Меҳринисо, Раҳима, Сайёра, Раъно — улар жами 31 киши, 8 нафари техник ходимлар. Гўё бир оила фарзандларидек, ҳамкору ҳамжиҳат.

— Мен доктор Эргашевдан нафақат касб маҳорати, балки одамийликни, одамларга муносабатни ўргандим, - дейди И.Йўлдошев. - Жамоамизнинг аҳиллиги, намунали хизмат, янада юксак натижалар сари интилиш оқилона раҳбарликдандир. Бунинг учун устозимиздан миннатдормиз.

Умр дафтари элюртига эзгуликлар улашиш, беморларга энг буюк бахт — саломатлик ҳадя этиш, тез тиббий ёрдам ва маслаҳатлар кўрсатиш билан тўлаётган Ҳамиджон ака ўзини бахтли инсон деб ҳисоблайди. Касбига фидойи доктор учун халқнинг дуоси, миннатдорчилиги юксак мукофотдир.

**Қосимжон АКБАРОВ.**

## БОЛАЛАР — ТАБИАТ ДИЗАЙНЕРИ

Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги «Биоэкосан» республика ўқув-методик маркази фаолияти кенгайиб бормоқда. Унинг «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш», «Гулчилик», «Табиат дизайнери» каби тўгараклар машғулотлари орқали ўқувчи ёшлар биология, экология ва саломатлик соҳасидаги ўз билим ва амалий кўникмаларини ошириб бормоқдалар.

Марказ спорт-соғломлаштиришнинг долзарб масалалари билан ҳам яқиндан шуғулланмоқда. Мазкур йўналишга қаратилган қатор лойиҳаларни яратишга киришилгани ҳам айни муддао бўлди. Ўқувчилар учун спорт-соғломлаштириш машқлари ўтказиладиган залларни бунёд этишга доир лойиҳа ҳам ижобий баҳо олди. Компьютер синфлари ва ахборот марказлари бўйича ишлаб чиқилаётган лойиҳа эса экология, биология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича интернет тармоғига уланиш имконини беради.

Бундан ташқари, болаларнинг ёзги экологик оромгоҳини бунёд этишга доир лойиҳа устида ҳам иш олиб борилмоқда.



**Суратда: Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари.**

**А.РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.**

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА, «Маънавият ва маърифат» кенгаши ҳамда Бадиий академия ҳамкорликда мамлакатимиз Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказаётган «Шу азиз Ватан — барчамизники!» деб номланган фестивалга бу гал Қорақалпоғистон Республикаси мезбонлик қилди. Кўтаринки руҳ ва кайфиятда ўтган ушбу фестивал ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, барчанинг қалбида бир умрга муҳрланиб қолади.


**ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!**

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

***Савдолар 2001 йил 28 сентябр, 3,10,17,24 октябр кунлари соат 11.00 да Республика Биржалар маркази биносида ўтказилади.***

**Савдоларга қуйидаги кўчмас мулк объекти қўйилади:**

1.Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Сарикўл кўчаси, 4 уйда жойлашган «Ўзбектрансстрой» ассоциациясига қарашли «Касб-ҳунар мактаби» мулкий мажмуаси.

**Бошланғич баҳоси 511696 АҚШ доллари.**

2.Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 21 уйда жойлашган «Қизил тонг» акциядорлик жамиятига қарашли Профилактория биноси (мол-мулки) билан.

**Бошланғич баҳоси — 129960 минг сўм ёки 380000 АҚШ доллари.**

**Шунингдек, 2001 йил 28 сентябр, 3 октябр кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилади:**

«Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компаниясига қарашли ГАЗ-3102 русумли, давлат белгиси 10 АК 491, 2000 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

**Бошланғич баҳоси- 2810,0 минг сўм**

**Мазкур кўчмас мулк объектига ва автотранспорт воситасига қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар ва барча юридик ва жисмоний шахслар Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.**

**Ҳурматли ишбилармон ва тадибркор жаноблар! Имкониятингизни бой берманг. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига1 соат қолганида тўхтатилади**

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10 уй, Республика Биржалар маркази биноси, 3 қават, 44 хона, Республика Кўчмас мулк биржаси.**

**Маълумот учун телефонлар: 136 26 26, 136 28 75 Факс: 136 06 17**


*Ҳикматлар сандиғидан*

## КЎП БИЛ-У ОЗ СЎЗЛА

Эй фарзанд, агар сен ҳар қанча нотиқ бўлсанг ҳам, ўзингни билганлардан пастроқ тутгил, токи сўз билимдонлиги вақтида бекор бўлиб қолмагайсан. Кўп бил-у, оз сўзла; кам билсанг, кўп сўзлама, чунки ақлсиз киши кўп сўзлайди, деганларки, жим ўтириш саломатлик сабабидир. Кўп сўзловчи ақлли одам бўлса ҳам халқ уни ақлсиз дейди ва ақлсиз киши жим ўтирса, одамлар ақлли ҳисоблайдилар. Агар сен жуда ҳам пок, ёмон ишлардан ўзингни сақловчи бўлсанг ҳам ўзингни мақтамагил, чунки ўз фойданг учун гувоҳ бўлсанг, сени ҳеч ким эшитмайди, ҳаракат қилки, халқ сени мақтасин ва шундай сўзлагилки, бу сўз сенга фойда келтирсин, бекор ва зое кетмасин.

Эй фарзанд, ёлғон ва беҳуда сўз айтмагилким, беҳуда сўз девоналарнинг сўзидир. Ҳар кишига гапирмоқчи бўлсанг, қарагилким, у сенинг сўзингнинг харидорими ё йўқми. Агар тингловчи сенинг сўзингга харидор бўлса, сўзингни сотгил (агар шу сўзингни харидор хоҳламаса), у сўзни қўйиб, эшитувчига ёқадиган сўзни гапир, токи сенинг сўзингга харидор бўлсин.

**(«Қобуснома»дан).**

Жаҳон чемпионати: иккинчи саралаш босқичи

***«Ўйнаса бўларкан-ку!», «Ишқибозлар орзиқиб кутган ўйин», «Ниҳоят, муз кўчди»... Булар Ўзбекистон-Қатар учрашуви олдидан шарҳловчингиз хаёлида турган сарлавҳалар эди. Кўриб турганингиздек, улардан фойдаланишни жоиз топмадик. Ошириб юбораётгандек, ҳақиқатдан анча узоқдек туюлди бизга.***

# ЗАРУР ҒАЛАБА

Эътироф этиш лозим: мураббийлар режалаштирган, мухлисларнинг ишончини тиклаш йўлида ниҳоятда зарур ғалаба қўлга киритилди. Футболчиларимиз шу куни орият учун ҳам майдонда астойдил ҳаракат қилдилар. Ва эҳтимолки, шу боис жуда кўпчилик ҳолларда тўп узатишда, ҳал қилувчи зарбани амалга оширишда хатоликларга йўл қўйилди, рақиблар қарши ҳужумга отланганда эса, қандайдир палапартишлик ва ҳатто парокандалик кўзга ташландики, очиғи, бундай бўлишини сира кутмагандик. Сабабки, гарчанд терма жамоамиз БААга йирик ҳисобда мағлубиятга учраган эсада, Қатар ҳам ўз майдонида Уммон қаршилигини енга олмай, гуруҳдаги энг кучсиз жамоа деган таассурот қолдирганди бизда. Ўзаро учрашув чоғида бунинг аксига дуч келдик. Ўзбекистонликлар таклиф этган тезкор суръатни бажонидил қабул қилган меҳмонлар чиндан-да араб футболига Европача усулни олиб кирган жамоа деб бежизга таъриф олмаганлигини амалда исботлашди.

Энди ғалаба келтирган голлар, учрашувнинг энг ёрқин сониялари ҳақида. Ҳали мухлислар ўз ўриндиқларига тузукроқ жойлашиб олмасларидан ўнг қаноатдан бошланган ҳужум самарали якун топди: Жаъфар Ирисметов деярли бўш қолган дарвозани аниқ нишонга олди ва ... бундай лаҳзаларда бўладиган тантанавор олқишларга ҳамоҳанг ҳолда майдон четига ошиққан маҳал ён ҳакамнинг байроқчаси қуйи эгилиб, ўйиндан ташқари ҳолат белгисини кўрсатди.

Кейин маълум бўлишича, айнан шу нарса ёниб турган оловга бир челак совуқ сув қуйиб юборгандек таъсир этди; анча вақтгача ўйин қовушмади. Сиртдан ҳужумкорлик сусаймагандек туюлса-да, ҳақиқий хавфли вазият нақ 37-дақиқагача юзага келмади. Миржалол Қосимов томонидан амалга оширилган бурчак тўпи Жаъфарнинг фаол аралашувидан сўнг Қатар дарвозаси тўрига бориб тушди: 1:0.

Худди шундай ҳаяжонли ҳолат 51-дақиқада ҳам қайтарилди. Учрашувдан бир кун муқаддам муҳтарам Президентимиз фармонига кўра «Ўзбекистон ифтихори» кўкрак нишонига сазовор бўлган Миржалол Қосимов яна ўз сўзини айтди. Биз кўриб одатланиб қолган жарима тўпи ижросини қойилмақом бажариб, ҳисобни 2:0 га етказди.

Гўё ғалаба чўнтакда эди! Чамаси шу хаёл мураббийларни ҳам чалғитди: майдонда туппа-тузук ҳаракатланаётган Ирисметов ва Власичевнинг заҳира ўриндиғига чақириб олиниши билан ҳужум ҳам, ҳимоя ҳам анча бўшашиб қолди. Бундан меҳмонлар унумли фойдаланишди: ташаббускорлик ва кетма-кет ҳужум самарасини берди. Учрашув 2:1 ҳисобида якун топди. Дарвозабон Дмитрий Поляковнинг маҳорати бўлмаса, ўйин дуранг билан тугаши ҳам ҳеч гап эмасди.

Ғолибларни тергамайдилар, деган гап бор. Агар шу ғалаба гуруҳ пешқадамлигидан таъминот берганда, биз ҳам балки шундай қилардик. Лекин ҳали яна бир-биридан мураккаб олти учрашув — олти синов турибди. Гарчанд Хитой терма командаси ўз майдонида Бирлашган араб амирликлари футболчиларини 3:0 ҳисобида мағлуб этиб, бизга қарашиб юборгандек бўлсалар-да, аслида бу уларнинг ўзигагина хизмат қилади. Демак, юртдошларимизга гуруҳда биринчи бўлиш осонликча кечмайди. Буни ўртамиёна команда ҳисобланган Қатар билан ўтказилган муросасиз матч ҳам исботламоқда.

**З. РИХСИЕВ, К. ОЛЛОЁРОВ.**

### ТУРНИР ЖАДВАЛИ

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Хитой | 1 | 1 | 0 | 0 | 3:0 | 3 |
| 2. БАА | 2 | 1 | 0 | 1 | 4:4 | 3 |
| 3. Ўзбекистон | 2 | 1 | 0 | 1 | 3:5 | 3 |
| 4. Уммон | 1 | 0 | 1 | 0 | 0:0 | 1 |
| 5. Қатар | 2 | 0 | 1 | 1 | 1:2 | 1 |


ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 00.50

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи;* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Буюртма Г— 2624. 1 2 3 4 5 6